

**INTEGRATION OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES TO INCREASE  
EDUCATIONAL EFFICIENCY**

**Sevara Xamdamovna Xakimova**

Independent researcher of the Institute of Pedagogical Innovations, Vocational Education Management  
and Advanced Training Retraining of Teachers

**ANNOTATION**

Integration of historical, national and modern pedagogical technologies in improving the effectiveness of education. There is a need to introduce integrated education in the education of the individual.

*Keywords: integration, technology, integrative form of education, integrative direction, integrated education*

**INTRODUCTION**

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида содир бўлаётган муаммоларни ҳал этиш мустақил фикрлайдиган шахсни камол топтиришни долзарб эҳтиёж қилиб қўймоқда. Маълумки, жаҳонда юз бераётган жиддий ўзгаришлар ҳамда ислохотларни тор маънода фикрлайдиган, ҳаётга бир томонлама муносабатда бўладиган инсонлар билан амалга ошириб бўлмайди. Пайдо бўлаётган кўп сонли муаммолар, ёш авлод тарбиясида узвийлик ва узлуксизликни таъминлашни, турли хил муқобил қарашлар билан фикрлаш тарзлари ўртасидаги мутаносибликни излашни тақозо этмоқда. Вужудга келган шарт-шароитлар ҳамда бир қатор ташқи ва ички омиллар интеграция жараёнини педагогик ривожланиш етакчи қонуниятларидан бирига айлантирмоқда. Интеграция масаласига эътиборни кучайтириш ва меъерий ҳужжатларда: “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва Фармойишларида ўз аксини топган. Интеграция муаммосининг долзарблиги олимлардан Н.Н.Азизхўжаева, Ш.Э. Қурбонов, Э.А.Сейтхалилов, Д.О.Химматалиев, В.И.Загвязинский, Р.Сафарова, М.Н.Берулова, Ў.Қ.Толипов, М.Усманова, М.М.Мамадазимов, М.Р.Жуманиёзова, Ю.С.Тюнников ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Уларнинг тадқиқотларида ўқувчилар ва талабаларда оламнинг яхлит манзараси, табиат ҳодисалари билан инсоннинг ўзаро алоқасини ҳис этиш туйғусини шакллантириш мақсадида турли фанларни уйғунликда ўрганиш лозимлиги таъкидланади. Шунингдек, бу олимлар педагогик интеграциянинг объектив асослари, омиллари ва тоифавий тавсифини белгилаш; морфологик ва инструментал-услубий тасвирини аниқлаш; педагогик интеграцияни технологик таъминлаш воситаларини ишлаб чиқиш масалаларига эътибор берганлар. Маълумки, муайян интеграция педагогик амалиёт даражасида олиб борилади. Мамлакатимизда она тили ва адабиёт, тарих, география, биология, тасвирий санъат, театр, кино, мусика бўйича интегрatív дастурлар яратиш муаммоси энди қўлланилаётган бўлса, хорижда “иктисодий ва ижтимоий фанлар” тарзида курс-мажмуалар аллақачон таълим тизимига кириб борган. Айни пайтда фан ва техника, технологиялар ривожланиши, табиий фанлар интеграциясининг самараси сифатида физикавий кимё, киёвий физика, геофизика, биофизика ва бошқа кўплаб интегрatív фанлар пайдо бўлди.

**MAIN PART**

Инсон ва жамият таълим соҳаси ўзида бир қатор ўқув предметларига оид тушунчаларни мужассамлаштирган. Чунончи, ахлоқ нафосат тарбияси, иқтисодий билимларга оид тушунчалар, жисмоний тарбия, бадиий таълим, ҳуқуқий билимлар ва ҳоказо.

Таълим жараёнини интегратив дастурлар ва дарсликлар асосида ташкил этиш орқали ўқув-билув жараёни натижасида самарадорликка эришиш назарда тутилар экан, бунда интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Педагогик коммуникация соҳасида “хамкорлик” ва “биргаликда ижод қилиш” устувор ўрин эгаллай бошлагач, интегратив элемент тушунчаси ҳақида кўпроқ билимга эга бўлиш тақозо этилмоқда; таълимнинг интегратив шакли ва технологияси – интегратив дарс, интегратив кун ва танқидий фикрлаш масалалари жадал жорий қилинмоқда ҳамда “соғлом” ва “муаммоли” болаларни бирга ўқитиш мақсадига хизмат қилишга қаратилган интеграллашган таълим муассасаларини ташкил этиш жараёнлари ҳам амалга оширилмоқда. Миллий ва жаҳон педагогикасида интегратив масалаларни тадқиқ этишда бой тажриба мавжуд. Мамлакатимизда 80-йиллардан бошлаб интегратив педагогик тадқиқотларга ўтиш кузатилмоқда. Бироқ бу борада олиб борилётган тадқиқотларни ўз камрови жиҳатдан етарли деб бўлмайди. Чунончи, педагогик интеграция қисмларидан бири – дидактика, кўпинча эса методикада пасайиш сезилмоқда.

Интеграцион жараёнлар ташкил этилиши кўнгилдагидек эмас. Илмий-педагогик интеграция масалаларини тадқиқ этишда фаолият (ИПФ) тузилмасини субъект, дарс, мақсад, жараён, восита, маҳсулот ва натижа ташкил этар экан, бу тузилмани муваффақиятли амалга ошираётган педагог олимлар ва ўқитувчиларда назарий билим ҳамда амалий фаолият етарли эмас. Маълумки, “Интеграция” атамаси номи жиҳатдан янги бўлсада, маъно мазмунига кўра анча тарихийдир. У аввало коинотда, жамиятда, ҳаётда, турмуш ва ишлаб чиқаришда, таълимда, аниқроғи микро оламдан макро оламгача интеграция муҳим аҳамиятга эга. Демак, интеграция тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам кенг маънога эга.

Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда таълимдаги интеграция жараёнининг моҳияти, ҳаётнинг барча соҳаларида тутган ўрни ривожланган мамлакатлар олимлари томонидан атрофлича ўрганилмоқда. Хўш, “Интеграция” тушунчаси нимани билдиради? “Интеграция” сўзи луғатларда изоҳланишича латинча “integration” сўзидан олдинган бўлиб, қайта қуриш, тиклаш, тўлдириш (“integ”- тўлиқ, бутун, яхлит деган маънони англатади. Шунингдек, бошқа бир луғатларда [1] “интеграция” – ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш, “интегрировать” – бир бутун қилиб бирлаштирмақ, яхлит ҳолда келтирмақ дейилса, соҳавий луғатларда “интеграция” – ўқитишнинг мақсад ва омиллари бир бутун қилиб бирлаштириш, деб изоҳланади. Таълимда интегратив йўналиш – ахборотларни ташкил этувчи чексиз, кичик қисмларнинг ўзаро ажралмас боғлиқлиги, уларнинг яхлитлиги, бир бутунлиги асосида ягона тўғри хулосани аниқлаш жараёни.

Интегратив йўналиш таълим – тарбияжараёнларига комплекс ёндашув, тизимли ёндашув, тизимли таҳлил каби тадқиқот усулларини жорий этишда ва билишнинг индукция ҳамда дедукция усулларидан фойдаланишда қўл келади. Интеграциялаш тушунчаси муҳим илмий тушунчаси муҳим илмий тушунча бўлиб, у умумлаштириш ва хулосаларда методологик восита бўлиб ҳисобланади, чунки унинг ёрдамида жараён ва ходисалар мазмунлари орасидаги умумий уйғунлик алгоритмлари яратилади. Таълимни янгилаш – унинг ташкилий шакллари ва методларидан самарали фойдаланишни, бу борада таълимга интегратив ёндашишни талаб қилади.

Таълим самарадорлигини оширишда замонавий педагогик технологияларни тарихий-миллий технологиялар билан интеграциялаш муаммоси ҳам ҳозирги кунда долзарблик касб этмоқда. Лекин барча тадқиқотларда муаммонинг айрим жиҳатларига (фанлараро интеграция ва бошқалар) эътибор берган ҳолда тарихий-миллий ва замонавий технологияларни интеграциялаш масаласи назардан четда қолган. Бу борада, таълим самарадорлигини оширишда тарихий-миллий ўқитиш технологияларимиз бой

тажрибага эга бўлиб, уларнинг энг қулай шакл, метод ва воситаларидан замонавий технологиялар интеграллашган ҳолда қўллаш ижобий натижалар бериши муқаррар.

Таълимда миллий ўқитиш технологиялари: зукколик-ҳар бир муаммони тезда ҳал қилиш, фаҳм тезлиги, зеҳн ўткирлиги, билимларни тез эгаллаш қобилияти, қўйилган муаммони тез англаш, эсда сақлаш, мувашшахлардан фойдаланиш, матнни изоҳли шарҳлаш, изоҳлаш, муаммо, муҳокама, мунозара ва бошқалардан иборат. Бу борада миллий ва замонавий педагогик технологияларни интеграциялашда ишонтириш, ўргатиш, рағбат, шахсий намуна, мақсад ва уни амалга ошириш воситалари, қўлланишда изчиллик шахсий омиллардир. Энг кўп қўлланиладиган ишонтириш, ўргатиш, одатлантириш, шахсий намуна, рағбатлантириш, кўрсатмалилик катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эга. Зеро, миллий тарбия – Ғарб ва Шарқ педагогик тажрибаларини интеграция нуктаи назаридан синтез қилиниши, замонавий ва миллий педагогиканинг уйғунлаштирилишини назарда тутати.

## CONCLUSION

Ҳозирги замон педагогик технологиялари миллий тарбия омиллари: табиат, сўз, меҳнат, турмуш, удумлар, анъаналар, санъат, дин, муомала, ўйин, намуна, меҳнат, ҳашар, гап гаштак, байрамлар, Наврўз, Ҳайит, беллашувлар, театраллаштирилган кўриниш, долзарблик, маслаҳат, кураш қабилар намоён бўлади. Маълумки, шахс тарбиясида албатта интеграллашган таълим йўлга қўйилади. демак, миллий руҳни шакллантириш, миллий ҳаёт тарзини ўрганиш ҳозирги давр мактабининг асосий вазифасидир. Бу замонавий ва миллий технологияларни интеграциялашни тақозо этади.

## REFERENCES

1. Русча-ўзбекча луғат. – Т.: Фан 1983; Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х ва б. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: Фан ватехнология 2008.
2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.:ТДПУ, 2003. – 192б.
3. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М.Х. Педагогик технология назария ва амалиёт. Монография. – Т.: Фан, 2005. – 200б.
4. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: Фан ва технология 2008. © М.М. Махмудова, 2017